



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QUMITASI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI “ЎЗАРХИВ” АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**Аҳолини рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш
хужжатларининг сақланиши (шу жумладан вақтинча сақланиши),
йўқ қилиниши тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида**

“Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон Фармони билан тасдиқланган Концепциянинг 12-банди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда натижаларини эълон қилиш бўйича “Йўл харита”сида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги **қарор қилади:**

1. Аҳолини рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш хужжатларининг сақланиши (шу жумладан вақтинча сақланиши), йўқ қилиниши тартиби тўғрисида Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика
қўмитаси раиси

Тошкент ш.,
2021 йил “19” январь
1/КҚ - сон



Б. Бегалов

Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлиги
директори


Тошкент ш.,
2021 йил “19” январь
1/КҚ - сон



У. Юсупов


(H. Нурметов)


Ucaev X.H.


M. Сагундов

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2021 йил “19” январь даги
“111”-сон қарорига,

Ўзбекистон Республикаси
“Ўзархив” агентлигининг
2021 йил “19” январь даги
“11”-сон қарорига
ИЛОВА

**Аҳолини рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш
ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан вақтинча сақланиши),
йўқ қилиниши тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом аҳолини рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан вақтинча сақланиши), йўқ қилиниши тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ–5655-сон Фармони билан тасдиқланган Концепциянинг 12-банди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда натижаларини эълон қилиш бўйича “Йўл харита”сида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

рўйхатга олиш варағи – кўрсатилган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни ёзиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланка;

рўйхатга олиш ҳужжатлари – аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига тааллуқли ҳужжатлар мажмуи;

сақлаш – аҳолини рўйхатга олишга оид ҳужжатларни сифатли сақланишини таъминлашга доир чора-тадбирлар мажмуи.

II. Аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатларини сақлаш

4. Аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар сақлови “Архив иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги 101-сонли қарори 1-иловаси “Архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом” талабларига мувофиқ таъминланади.